

## Расмий муносабатлар

Ижтимоий тармоқларда Очиқ маълумотлар порталида ([data.gov.uz](http://data.gov.uz)) Фарғона вилоятида яшовчи уйжой шароитини яхшилашга муҳтоҷ фуқаролар тӯғрисида маълумотларда фуқароларнинг паспорт ва ЖШШИР (пинфл) рақамлари очиқланган ҳолатда кўрсатилгани юзасидан фикрлар билдирилди.

Kun.uz сайтида “Ариза ёзасан, бўлмаса мол-мулкингни мусодара қиласиз”. Учкўприк фермерлари ўтган асрнинг 30-йилларига тушиб қолди” номли материал эълон қилинди.

Ижтимоий тармоқларда Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Жўрабоевга мансублиги таъкидланиб тарқатилган, ҳақоратли сўзлар ишлатилган мулоқотнинг аудиоёзуви юзасидан ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш натижалари юзасидан қуидагилар маълум қилинади:

“Кушербаевга мурожаат” телеграм каналида Олтиарик туманидан фуқаро Дилором Ваховидинова томонидан йўлланган, “Фарғона вилояти ҳокимлиги диққатига” деб номланган мурожаат эълон қилинди.

“Олимжон Хайдаров” телеграм каналида Фарғонада Президентга тақдим қилинган лойиҳаларидан бири бузиб ташланиш билан таҳдид қилинаётгани иддао этилган видеоматериал эълон қилинди. Олиб борилган ўрганиш натижасида ушбу материалда келтирилган ҳолатлар умуман тасдиғини топмагани билдирилиб, қуидагилар маълум қилинади:

Ижтимоий тармоқларда Бувайда туман ҳокимлиги нашри – “Бувайда кўзгуси” газетасида фаолият олиб бораётган журналист Шарифа Мурод томонидан эълон қилинган, Бувайда туманидаги фермернинг ери туман захирасига қайтарилишининг қонунийлигини таҳлил қилган танқидий чиқиши сабабли ишдан бўшаш тӯғрисида ариза ёзиш талаб этилгани ҳақидаги хабар юзасидан қуидагилар маълум қилинади:

Қўқон шаҳрида кўп қаватли тураг-жойларга туташ ҳудудларда амалга оширилаётган барча қурилишларнинг мавжуд нормалар талабларига мослиги ўрганиб чиқилади.

Ижтимоий тармоқларда турли манбалар орқали тарқалган, давлат ресурслари ҳисобига ун маҳсулотларини тадбиркорларга тақсимлашда монополаштириш ва коррупция ҳолатларига йўл қўйилаётгани иддао этилган мурожаат юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганиш олиб борилмоқда.

Instagram'да вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров номи билан очилган сохта аккаунт бўйича баёнот.